O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil 11 Sentabr

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №37 (3878)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири, Бош Назоратчи **Султон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Ҳусний Муборак;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ II;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ҳамид Карзай;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ва Дубай амирлиги амири **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳайён.**

Табриклар келиши давом этмоқда.

## ПАРЛАМЕНТДА БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Жорий йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг бориши ҳақида парламент эшитуви бўлиб ўтди.**

Тадбир Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ташаббуси билан мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ислоҳотларни ҳамда демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришнинг самарали йўлларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Очиқ мулоқот учун Қонунчилик палатасига Олий Мажлис Сенати ва Ҳукумат аъзолари, бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, таҳлилчи олимлар, турли ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда ўтказилган мажлисидаги маърузаларида депутатлар корпуси фаолиятининг асосий йўналишлари ва улар олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига асос бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун парламент эшитувларида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари амалга оширилишининг бориши ҳақидаги маърузаларини эшитиб, Қонунчилик палатаси мамлакатни модернизация қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар йўли юқори даражада самарали эканини таъкидлади. Иқтисодий, сиёсий ва давлат қурилиши, ҳуқуқий соҳалардаги барча ислоҳотлар пировард натижада одамлар фаровонлигини муттасил ошириб боришга, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятларни, соф экологик муҳитни яратишга қаратилгандир.

Кейинги 10 йил мобайнида давлатимиз томонидан амалга оширилган кенг миқёсли барча ишлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кенг кўламда бажарилишини таъминлади.

Мамлакатимиз таълим соҳасида мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит узлуксиз таълим тизимига ўтиш, таълим жараёнларини тубдан ислоҳ қилиш ва сифатини юксалтириш, юқори салоҳиятли ва малакали кадрларнинг янги авлодини тарбиялаш имконини берди.

Юртимизда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга тўлиқ қамраб олиниши, аҳоли саводхонлик даражасининг юксалиши БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан анча жадал ва сифатли бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

### Кўрик-танлов

## БИЛИМДОН ТЕРГОВЧИЛАР БАҲСИ

**Жиноятчини фош этиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлашда терговчиларнинг қай даражада билим ва маҳоратга, тажрибага эгалиги ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан республика ички ишлар идоралари ходимларининг касбий тайёргарликни такомиллаштириш, билим савиясини ошириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини яхшилаш ҳамда амалий кўникмаларни қандай эгаллаганликларини аниқлаш мақсадида тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб боряпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг фармойишига биноан ички ишлар идораларининг тергов тизимлари ўртасида «Энг яхши терговчи» ва «Энг яхши тергов жамоаси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ тергов хизматларидан вакиллар иштирок этишди.**



**Суратда:** *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов кўрик-танлов ғолиби – капитан Озод Сатторовни тақдирламоқда.*

Кўрик-танловни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов кириш сўзи билан очиб, соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида гапириб ўтди. Ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов терговчиларнинг маҳоратини оширишга, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Уч кун давом этган тадбирда терговчилар дастлаб жисмоний тайёргарлик машқларида спорт тўсинида тортилиш, 100 метрга, 3000 метрга югуриш ва қўл жангги бўйича куч синашдилар. Терговчиларнинг ўқ отиш бўйича маҳоратлари ҳам синаб кўрилди. Кейин иштирокчилардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларини амалиётда қўллаш усуллари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот тизимларининг терговга тааллуқли ҳуқуқий меъёрлари асосида тузилган саволлардан иборат тест-синови қабул қилинди.

Кўрик-танловнинг сўнгги шартида терговчилар билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларини амалиётда қўллаш, республика Олий Суди Пленумининг қарорлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар, ички ишлар идоралари фаолиятига алоқадор халқаро ҳуқуқий нормалар, дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иш фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар бўйича суҳбат ўтказилиб, уларнинг бу борадаги билим савияси ҳам имтиҳон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

### 2010 йил – Баркамол авлод йили

## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

**Фарғона вилояти ички ишлар идораларида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури талаблари доирасида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда юрт келажаги учун масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш мақсадида барча шаҳар ва туманлардан 190 нафар 16 ёшга тўлган йигит-қизлар жойлардаги паспорт бўлинмалари бошлиқлари раҳбарлигида вилоят марказига ташриф буюришди.**



Вилоят ҳокимлиги, Ички ишлар бошқармаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар раҳбарлари уларга пешвоз чиқишди.

Ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғи байрамона безатилган. Ёшлар дастлаб буюк алломанинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг пойига гулчамбар қўйишди. Вилоят ҳокими ўринбосари Шуҳратжон Турдиқулов ёшларни Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами ҳамда Ўзбекистон фуқароси бўлганликлари билан табриклади. Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Одилжон Марипов тадбир иштирокчиларини табриклар экан, жумладан шундай деди:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш қанчалик фахрли ва масъулиятлидир. Мамлакатимизнинг обрў-эътибори, мавқеини ошириш, унинг иқтисодий, маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтиришга бор имкониятингиз билан ҳисса қўшишингиздан умидвормиз.

Фуқаролик паспортини авайлаб-асрашингиз, унга гард юқтирмаслигингиз керак.

Сўзга чиққан ота-оналар ва ёшлар ҳам Мустақиллик байрами кунларида ўтказилаётган мазкур тадбир унинг қатнашчилари ёдида узоқ сақланишини таъкидлаб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Сўнгра 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортларини топшириш маросими бошланди. Шунингдек, уларга Президентимиз асарлари ва бошқа ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**
**Мукумжон ҚОДИРОВ.**

**Суратда:** *паспорт олган бир гуруҳ ёшлар.*

### Миннатдорлик

## ФИДОЙИ ХОДИМЛАРГА РАҲМАТ!

***Бошимга ташвиш тушиб, бир гуруҳ фирибгарлар катта миқдордаги пулимни олиб, қайтариб беришмади. Шундан сўнг Навбаҳор тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Ф. Сидиқовга учрашдим. У киши профилактика инспектори, майор Орзиқул Нурназаровга бўлган воқеа юзасидан ариза ёздириб олдилар.***

***Иш жараёнида ИИБ катта терговчиси, капитан Озод Сатторов товламачилардан пулимни ундириб беришга ёрдамлашди. Қорамол оламан, деб йиғиб қўйган, пулимни қайтариб олишда амалий ёрдам берган ўз касбининг чин фидойилари ички ишлар ходимлари, айниқса, Орзиқул Нурназаров ва Озод Сатторовлардан ғоят миннатдорман.***

***Яқинда ниятимга етиб, қорамол сотиб олдим. Рўзғоримга оқлик кириб, фарзандларим сут-қатиққа зориқишмаяпти. Кийган либосига лойиқ, бурчини виждонан бажараётган, инсонлар ташвишини ўзиники сингари англаб, дардини тинглайдиган ички ишлар ходимларига миннатдорлик изҳор этиб, уларнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги машаққатли ишларида ҳамиша омад ёр бўлишини тилайман.***

**Муҳайё НАЗАРОВА.**
Навбаҳор тумани.

## БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу ишлар изчил давом этмоқда.**

Президентимизнинг куни кеча қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори бунинг яна бир амалий ифодасидир. Миллий қадриятларимизни, эзгу анъаналаримизни, дину диёнатимизни тиклаш Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлик қилаётган кезларда бошланган эди.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун кенг йўл очилиши давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган адолатли сиёсатнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланганi юртимизда жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинч-тотув ҳаётни, диний эркинликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида буюк алломаларимизнинг қадамжолари, табаррук масканларда кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Буюк аждодларимизнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида динимизнинг муҳим амалларидан бири – Ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани юртдошларимизнинг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Истиқлол йилларида минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж зиёратига бориб келиш шарафига муяссар бўлдилар. Давлатимиз томонидан уларнинг эмин-эркин ибодатни тўлиқ адо этиб, Ватанимизга соғ-саломат қайтиб келиши учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳр-оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, буюк алломалар асарларини тадқиқ қилиш ва уларни ёш авлодга етказиш муҳим масалалардан бири сифатида белгиланган. Замонавий таълим билан бир қаторда диний таълим тизимини такомиллаштириш, пухта билимга эга, соғлом фикрли мутахассисларни тайёрлаш доимий эътиборда. Тошкент ислом университети ва Тошкент ислом институти, ўрта-махсус диний таълим беришга ихтисослашган муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб йигит-қизлар замонавий шарт-шароит, илғор педагогик технологиялар асосида диний ва дунёвий фанлардан сабоқ олмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 май куни қабул қилинган қарорига мувофиқ Имом Бухорий халқаро марказининг ташкил этилиши ислом тарихи ва фалсафаси, алломанинг илмий меросини халқаро миқёсда ўрганишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда халқимизнинг миллий ва диний байрамлари муносиб тарзда нишонлаб келинмоқда. Президентимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимизда ушбу муборак айём бу йил ҳам кўтаринки руҳда байрам қилинади. Рамазон ҳайити хайрли мақсад ва эзгу амал байрамидир. Айёмни юртимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби азалий анъаналаримиз янада мустаҳкамланаётган шароитда кўтаринки руҳда кутиб олаётганимиз қувонарлидир.

Шундай муборак кунларда ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, оиламиз ва фарзандларимизни улуғ айём билан қутлашимиз, ёру дўстларимиз, қўни-қўшниларимизни йўқлашимизнинг савоби катта. Рамазон ҳайити гина-кудуратларни унутиш, дардмандлар кўнглини олиш, табаррук отахон-онахонларни зиёрат қилиб, эҳтиёжмандлар, етим-есирларга хайру эҳсон улашадиган саховат айёмидир.

Муқаддас заминимиздаги тинчлик, осойишталик, аҳиллик ва тотувлик жами эзгу ишларимизнинг рўёбга чиқишига, ҳар бир кунимиз файзли, хонадонларимиз чароғон, дастурхонимиз баракали бўлишига хизмат қилаётир. Шундай барокатли кезларнинг нақадар азизлигини барча юртдошларимиз юракдан ҳис этиб, юртимизда серфайз кунлар ҳамиша ҳукм суришини, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини муборак Рамазон ҳайити кунларида ҳам ният қилмоқдалар.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Халқаро алоқалар

# ДЎСТОНА ВА САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

**Дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида юртимизда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Социалистик Республикаси Коммунистик партияси Марказий кенгаши сиёсий бюроси аъзоси, Жамоат хавфсизлиги вазири жаноб Ле Хонг Ань раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташриф буюрди. Мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов қабул қилди.**





Республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов нуфузли меҳмонларни юртимизга ташриф буюрганликлари билан самимий қутлаб, тизимда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берар экан, жумладан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

– Мустақиллик йилларида бошқа жабҳаларда бўлгани сингари ички ишлар тизимларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳоли осойишталигини таъминлаш, улар билан яқин алоқаларни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши ҳамкорликда курашиш, ақидапарастлик, диний экстремизм, вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилишига барҳам бериш ҳамда энг муҳими, кадрлар тайёрлаш ишларининг қайта шакллантириш ва замонавийлаштирилишига имконият яратди.

Бу борада айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин муносабатлар ўрнатилгани эътиборга моликлигини эътироф этиб, жамоатчилик билан ишлаш масаласи диққат марказида эканлигини қайд қилди. Айни вақтда мамлакатимизда 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пунктлари пойтахтимиздан тортиб республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатаётгани, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича, шунингдек, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида турли кўринишдаги жиноятлар барҳам топаётганини айтиб ўтди.

Вазир ички ишлар идоралари томонидан халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркотик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга ҳам тўхталиб, бу хусусда истиқлол йилларида республиканинг бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилгани учун ҳар қандай кўринишдаги жиноятлар кескин барҳам топаётганини қайд этди.

Генерал-лейтенант Б. Матлюбов баркамол авлод масаласи давлатимизда устувор вазифалардан бири сифатида юқори ўринда турганини айтиб, бу борада Ички ишлар вазирлигида ҳам ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларга тўхталиб, тизим тасарруфидаги олий таълим муассасаларида етук мутахассислар тайёрланаётганига эътибор қаратди.

Ўз навбатида жаноб Ле Хонг Ань самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан кўп томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига ишонч билдирди. Бундан ташқари, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, наркобизнес, терроризм, ақидапарастлик иллатларига биргаликда қарши курашиш, шунингдек, семинар ва тренинглар ўтказиш ахборот ҳамда тажрибалар алмашишни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган учрашув чоғида томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратларда:** *учрашув пайти.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғининг ўринбосари – Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи, подполковник Камил Сабирович ЗУПАРОВ.**



Камил Сабирович Зупаров 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда республика ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси инспектори лавозимидан бошлаган. 1998–2010 йилларда республика ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси муҳандис-инспектори, Марказий ҳарбий базаси бўлим бошлиғи, ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Сирдарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Шамурат Янашевич САПАРТАЕВ.**



Шамурат Янашевич Сапартаев 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1989–1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ИИБ туманлараро давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлинмаси тезкор вакили, Бўзатов тумани ИИБ давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ иқтисодий жиноятлар билан курашиш бўлими бўлинма тезкор вакили, Бўзатов тумани ИИБ кадрлар билан ишлаш гуруҳи инспектори, ЖООБ бошлиғи, 1995–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ КР ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

**Наманган вилояти ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Маруфжон Урунбаевич ИСМАИЛОВ.**



Маруфжон Урунбаевич Исмаилов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Наманган вилояти ИИБ ЖТСХ хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлими инспектори лавозимидан бошлаган. 1999–2010 йилларда Наманган шаҳар ИИБ ЖТСХ паспорт бўлинмаси инспектори, вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ катта инспектори, Чуст тумани ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, Наманган шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Абдулазиз Абдуваҳобович ТОШЕВ.**



Абдулазиз Абдуваҳобович Тошев 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси техника воситаларини жорий қилиш ва фойдаланиш бўлинмаси инспектор-муҳандиси лавозимидан бошлаган. 2001–2010 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси инспектор-муҳандиси, катта инспектор-муҳандиси, Зангиота тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

## Кўрик-танлов

# БИЛИМДОН ТЕРГОВЧИЛАР БАҲСИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Кўрик-танлов шартларига мувофиқ синовларни қабул қилиш комиссиясининг қарорига биноан синовларда энг кўп балл тўплаган терговчилар ва тергов жамоаларига совринли ўринлар берилди.

«Энг яхши тергов жамоаси» номинацияси бўйича Наманган вилояти ИИБ тергов бошқармаси жамоаси ғолиб бўлди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти ИИБ тергов бошқармаси вакилларига берилди. Бухоро вилояти ИИБ тергов бошқармаси жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

«Энг яхши терговчи» номинацияси бўйича биринчи ўринга Навоий вилояти Навбаҳор тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, капитан Озоджон Сатторов лойиқ деб топилди. Иккита иккинчи ўрин Самарқанд вилояти ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Умиджон Марупов ва Фарғона вилояти Учкўприк тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, лейтенант Муҳсинжон Султоновларга берилди. Учта учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, катта лейтенант Раҳим Жумабаев, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Бекзод Мўминов ва Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, лейтенант Самар Рашидовларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов топширди.

Фурсатдан фойдаланиб совриндорларни суҳбатга тортдик.

– Бундай кўрик-танловда биринчи марта иштирок этишим, – дейди Наманган вилояти ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Элдор Тожибоев. – Ғолиб бўламиз, деб ўйламаган эдик. Ҳамкасбларим, вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Мираббос Мирсаидов ва Чуст тумани ИИБ терговчиси, лейтенант Илҳом Парпиевлар ҳам бор маҳоратларини кўрсатиб, ғолиблик учун курашдилар. Кўрик-танлов катта таассурот қолдирди, пойтахтимизнинг гўзал жойларини айландик. Келгусида баҳсларга янада пухта тайёрланиб, совринли ўринни қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз.

Кўрик-танлов якунланди, ғолиблар аниқланди. Бу тадбир терговчиларнинг маҳоратини оширишда муҳим омил бўлди, деб бемалол айта оламиз.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**



**Суратда:** *кўрик-танлов ғолиблари.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

# ПАРЛАМЕНТДА БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ижроси муҳокама этилди

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Сўнгги йилларда тиббий хизмат тизимининг тўлиқ модернизация қилиниши, аҳолига бепул юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган касалхоналар ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши бу борадаги ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижасидир.

Жамоатчилик назорати жамиятнинг давлат билан самарали алоқасини таъминлашнинг, ўтказилаётган чуқур демократик ислоҳотлар, мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ривожлантириш мақсадлари ва устуворликлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишининг, шунингдек, халқимиз фаровонлигини оширишнинг, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим қисмига айланмоқда.

Ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар жараёнларида республика парламенти томонидан амалга оширилаётган аниқ мақсадга қаратилган қонун ижодкорлиги муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида 500 дан зиёд қонун қабул қилинди, 100 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва унинг уйғун камол топиши масаласига бевосита алоқадор бўлган олтита асосий ҳужжати ратификация қилинди.

Олий Мажлиснинг қуйи палатаси томонидан ташкил этилган ҳукумат ва парламент ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида қонун ижодкорлиги ишини ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг амалий фаолиятини танқидий таҳлил қилиш якунлари бўйича мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада эркинлаштириш соҳасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг йўналишлари бўйича юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг парламент ва жамоатчилик мониторингини олиб боришга доир самарали механизмларни аниқлаш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг матбуот хизмати**

## Ғамхўрлик

**Байрам ва тадбирларда якка-ёлғизлар, кам таъминланган ҳамда ногиронларни йўқлаш халқимизга хос хислатлардан. Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрами кунлари Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ҳамда фахрийлар кенгаши ҳамкорлигида ички ишлар бўлимларида хизмат қилиб, нафақага чиққан ногиронлар ҳолидан хабар олишди.**

# МЕҲР-МУРУВВАТ – ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХИСЛАТ

Қўшработлик Ботир Усмонов ҳам анча йиллар туман ИИБда хизмат қилиб, тўққиз йил аввал 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолганди. Яқинда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодировнинг бу хонадонга ташриф буюриши оиладагилар қувончига қувонч улашди. Ботиржонга ногиронлик аравачаси, совға-саломлар ва бир бош қўй берилди.

– Анча йиллардан буён сафда бўлмасам ҳам ҳамкасбларнинг эътиборидан четда қолмаганимдан хурсандман, – дейди Б. Усмонов. – Улар тез-тез ҳолимдан хабар олишаяпти, зарур пайтларда моддий ва маънавий кўмаклашишмоқда. Аммо бу галгиси бошқача бўлди. Ногиронлик аравачасига кўпдан буён муҳтожлик сезаётгандим. Қўрамиз ҳам жониворларсиз бўшаб қолганди. Насиб этса мана шу совлиқ бир қўра бўлишидан фарзандларимнинг қувончи чексиз.

Ҳа, юртимизда инсон манфаати устувор вазифа даражасига олиб чиқилган. У қайси соҳада ишламасин ёки қай даражада бўлмасин ҳеч қачон эътибордан қолаётгани йўқ. Ички ишлар вазирлиги тизимларида ҳам бу масалага доимо масъулият билан ёндашилаётгани боис, барча эъзозда.

**Раҳимжон ҲАМРОЕВ,**
**подполковник.**

# ТОҒЛИ АҲОЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Мустақиллик байрами кунлари Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев, вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Абдулла Қўлдошевлар Китоб тумани «Паландара» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қўшни Тожикистон билан чегарадош тоғли сарҳадларда жойлашган Матмон, Жовуз, Аспидуғтар, Деновбека каби қишлоқларнинг фаоллари билан учрашишди.**

Улар бу жойларда истиқомат қилаётганларни Мустақилликнинг 19 йиллиги байрами билан табриклаб, ана шу даврда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида сўзлаб беришди. Бир гуруҳ фаолларга эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ҳусан РАҲМОНОВ.**

# БОЛАЛАР ДИЛДАН ЯЙРАШДИ

**Маълумки, юртимизда болалар ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, уларнинг барча ҳуқуқлари қонунлар билан кафолатланган.**

Шу боисдан ҳам баъзи қаровсиз қолган болаларга кўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБга бевосита бўйсунувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият кўрсатаётгани бунга ёрқин намунадир.

Мазкур марказ 160 нафар вояга етмаганларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, бу ерга келтирилганлар иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланади. Уларга керакли тиббий ва маиший хизмат кўрсатилади.

Ушбу масканда яқинда бўлиб ўтган тадбир халқимизга хос меҳр-мурувват ва саховат каби қадриятлар амалда ўз ифодасини топаётганининг яна бир тимсолидир. Шу куни байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Болалар санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда дилдан яйрашди, маданий ҳордиқ чиқаришди. Ахир, халқимизда «бола қувонса олам яшарар», деб бежиз айтилмайди-да.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**



**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

**Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

**Ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилиши, диний ақидапарастлик таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир Қарори ижроси юзасидан Наманган вилояти ҳокимлигида вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, комиссия раиси Б. Юсупов бошқарди.**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг жорий йил учун белгиланган иш режасига мувофиқ никоҳланувчи ёшлар ҳамда болаларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, оналар репродуктив саломатлигини муҳофаза этиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикаси, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, бу борада қишлоқ жойларда яратилган шарт-шароитлар республика Бош прокуратураси ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган эди. Йиғилишда унинг якуний натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси ўринбосари Ш. Шукуров кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди.

Йиғилишда чора-тадбирлар белгиланиб, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, мутасадди бошқармалар ҳамда ташкилот раҳбарларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

## Профилактика хизмати

# МЕҲРИБОН ИНСПЕКТОР

**Эрталаб қизчасини мактабга етаклаб кетаётган йигитни кўрган профилактика инспектори ҳаракатларимиз зое кетмабди, дея мамнун бўлиб қўйди. Орқада ўғли ҳам кетяпти. Ўзи пахта заводига ишга жойлашди. Энди оила яна тинч-тотув яшайди.**

– Сардоба қўрғонида яшовчи Т. Ҳайдар топганини ичиб, уйида жанжал чиқариб, болаларини безор қиларди, – дейди Оқолтин тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Умиджон Муродов. – Бу албатта, болаларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Уни маҳалла фуқаролар йиғинига чақириб, кўпчилик олдида ичкиликбозлиги, оиласига эътибор бермаётгани, ўғлининг тарбияси салбий томонга ўзгараётганини айтдик. Маҳалла-кўй олдида изза бўлган Т. Ҳайдар ичкилик ичишдан тийилиб, ишга кириб, оиласи билан тинч яшашга сўз берди. Вақт ўтиши билан унда ўзгариш сезилди.



Катта лейтенант У. Муродов хизмат кўрсатадиган ҳудудда 50 нафар вояга етмаганлар профилактик рўйхатда туради. Амалдаги қонун-қоидаларни билмай, тушунмай жиноят кўчасига кириб қолаётган ўсмирларни тўғри йўлга солиш учун имкониятдан унумли фойдаланмоқда. У аввало, бола яшаётган муҳитни ўрганади. Ота-она, қўни-қўшнилар, боланинг яқинлари, ўртоқлари билан суҳбатлашади. Унга таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлайди. Ана шундан кейин профилактик ишларни бошлайди. Йил бошидан бери 31 нафар профилактик рўйхатда турган болалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган оилалар ҳисобдан чиқарилди.

О. Нажмиддин исмли бола ҳуқуқбузарлик қилиб, қўлга тушганди. Билмай қинғир йўлга кириб қолган ўсмирнинг ота-онаси билан суҳбатлашди. Мактабга бориб унинг юриш-туриши, дарсларни ўзлаштириши билан танишди. Маълум бўлишича, тижоратчи ота-она фарзандни назоратсиз қолдирган. Ҳар куни ёнига пул солиб, уни нимага сарфлаётганини суриштирмаган.

Ю. Одилжон исмли бола эса уйидан мақсадсиз чиқиб кетган. Дарсга бормай, қўрғондаги дўконлар, бозорда санғиб юрган. Катта лейтенант ҳар иккисининг тарбияси эътиборсиз қолгани учун профилактик рўйхатга олди. Доимий назорат қилиб, ота-онаси, ўқитувчилари бу ишга қатъий киришишига эришди. Натижасидан эса ҳамма хурсанд. Болалар яқинда профилактик рўйхатдан чиқарилди. Ота-оналар У. Муродовга раҳмат айтиб, фарзандларини доим назорат қилиб боришаяпти.

– Катта лейтенант Умиджон Муродовни кўпинча болалар даврасида учратамиз, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Ҳ. Ярбоев.– Унинг иш куни мактаб ёки коллежда бошланади. Шунинг учун ҳам болалар меҳрибон инспекторимиз дейишади.

– Таътил тугаб, ўқувчилар яна мактаб бағрига қайтдилар, – дея суҳбатга қўшилди катта лейтенант У. Муродов. – Профилактик ишларни билим даргоҳларида олиб боришни давом эттирамиз. Режага мувофиқ ойда икки марта ўқувчилар билан ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар уюштирилади. Маҳаллаларда ҳам болалар тарбияси, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида суҳбатлар ўтказамиз.

Баркамол авлод йилида инспекторнинг иши янада қайнаган. У ҳудудда яшаётган ўғил-қизлар ҳар томонлама етук, халқимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпти.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

**Суратда:** *катта лейтенант Умиджон Муродов ўқувчи Беҳзод Жўраев билан суҳбатлашмоқда.*

**Назиржон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.**

## Хизматларда

# ОДАМЛАР – ХОТИРЖАМ, МУЛКЛАРИ – ДАХЛСИЗ

**Адолатпеша бобомиз соҳибқирон Амир Темур ўз “Тузук”ларида кўчада бир лаган тиллани бошига қўйиб олган болакай токи манзилига етиб боргунча тилланинг бир донасига ҳам хиёнат қилмайдиган даражада кучли тартиб-интизом ўрнатганликларини эътироф этганлар. Агар масалага зиммага юклатилган бурч нуқтаи назаридан ёндашсак, бу тузук ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари учун жуда ибратлидир.**

Бувайда тумани ИИБ ЖТСГ ходимлари буни чуқур ҳис этиб, кўчалар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ҳамда бошқа жамоат жойларида кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказмоқдалар. Аҳоли ўртасида уюштирилаётган учрашув ва суҳбатлар чоғида эса асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг текинтомоқлик, ичкиликбозлик, жанжалкашлик, маънавий бузуқлик каби иллатларга муросасиз бўлишига қаратилмоқда.

– Туманимизда кўпчилик овчиликка қизиқади, – дейди туман ИИБ ЖТСГ катта инспектори, сержант Элёржон Эгамназаров. – Агар бундай кишилар ов қуролларини тегишли тартибда расмийлаштириб, уларни сақлаш ҳамда фойдаланиш чоғида амалдаги муайян тартиб-қоидаларга қатъий риоя этсалар, бунинг ёмон томони йўқ. Акс ҳолда бир кунмас бир кун бу эътиборсизлик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Гуруҳ ходимлари шуни назарда тутган ҳолда тез-тез ана шундай фуқаролар хонадонига ташриф буюриб, ов қуроли сақланишини ўрганишмоқда. Айни чоғда улар билан профилактик суҳбатлар ўтказиб, рўйхатдан ўтмаган ўқ отар қуролни сақлаш амалдаги қонунчиликда жиноятга тенглаштирилган ҳолат, деб баҳоланиши, бундай қуролни ўз ихтиёри билан ИИБга топширган кишилар эса жиноий жавобгарликдан озод қилинишини тушунтирмоқдалар.



Олиб борилаётган ана шундай саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида олти киши рўйхатдан ўтказилмаган ов қуролларини ўз ихтиёри билан ИИБга олиб келиб топширди. Ана шундай имкониятдан фойдаланмаган бир нафар шахсга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Соҳа ходимлари бу билан чекланмай туну кун кўчалар, умумий овқатланиш жойлари, бозорлар ва бошқа одамлар кўп тўпланадиган жойларда бўлиб, турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу пайтгача 310 нафар фуқарога жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун маъмурий баённома тузилди. Дайдилик билан шуғулланган тўрт нафар, майда безорилик содир этган 33 нафар шахс ички ишлар идорасига олиб келинди.

– Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда кинология хизматидан унумли фойдаланилмоқда, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Абдураззоқ Қосимов. – Қоратепа қишлоғида яшовчи нафақадор Сорахон Акбарова бизга мурожаат этиб, номаълум шахс ярим тунда хонадонига кириб, 300 минг сўмлик “LG” русумли телевизори ва ҳар бири 120 минг сўм турадиган икки дона “SAMSUNG” русумли иситиш печларини олиб чиқиб кетганлигини маълум қилди. Қидирув ишлари муваффақиятли якунланиб, шу қишлоқда истиқомат қилувчи шахс гумондор тариқасида тергов ҳаракатларига жалб этилди. Ўғирланган буюмлар жабрланувчига қайтарилди. Ушбу жиноятни очишда туман ИИБ ЖТСГ кинолог-инспектори, сержант К. Имомов ўзининг “Алфа” лақабли хизмат ити билан фаол иштирок этди.

Гуруҳ ходимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни кўнгилдагидек уддалаш учун бор имкониятларни ишга солаверадилар.

**Суратда:** *подполковник А. Қосимов ва сержант Э. Эгамназаров ўзаро мулоқотда.*

**О. БЎРИБОЕВ.**
**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**
*Фарғона вилояти.*

## Осойишталик йўлида

# ТОМОШАГА КЕЛИБ, «ТОМОША» КЎРСАТДИ

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда олиб борилган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари шаҳар кўркига-кўрк қўшибгина қолмай барчани ҳайратлантираяпти. Пайариқлик Т. Мадина ҳам ушбу гўзалликларга ошуфта бўлиб ён-атрофни томоша қилди. Маҳаллий саёҳатчининг асл мақсади бошқа эканлиги кейинроқ аёнлашди. Ҳолдан тойиб ҳордиқ чиқаргач, бунёдкорликларнинг иштирокчилари ва замонага шукроналар айтиш ўрнига ўзининг қабиҳ ниятини тузди.

Мақсадини амалга ошириш учун рўпарадаги Нарпай кўчасида жойлашган 33-дўконга киради. Сотувчининг иш билан бандлиги панд бермади: фурсатни ғанимат билиб кассадаги 400 минг сўмни ўмаради ва воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолади.

Дўкондор аёлнинг мурожаати бўйича ППХ батальони 2-отряд ходимлари, кичик сержантлар О. Бошмонов ҳамда Б. Абиловларнинг тезкор ҳаракати натижасида жиноятчи қўлга олиниб, пуллар эгасига қайтарилади.

Самарқанд шаҳри ҳудудидаги аҳоли гавжум бўладиган жойларда намунали жамоат тартибини сақлаш, бу ерга ташриф қилаётган меҳмонлар ҳамда хорижий сайёҳлар, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликларга барҳам беришда вилоят ИИБ ППХ батальони шахсий таркибининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларида шаҳар ИИБ профилактика хизмати инспекторлари, вилоят, шаҳар ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ва бошқа соҳа ходимлари билан ҳамкорликда 238 та жиноятларнинг фош қилинишида муносиб ҳисса қўшди. Шунинг 42 таси эса «иссиқ изида» батальон ходимлари томонидан очилди.

Вилоят ИИБ ППХ батальони командири, подполковник Аслиддин Ташматовнинг таъкидлашича, мазкур соҳада ҳар жиҳатдан жанговарликни ошириш, эл-юрт фаровонлиги ҳамда жамоат жойларида тартибни сақлаш бўйича қилинаётган тарғибот-ташвиқотлар ходимлар маънавияти, дунёқарашини янада кенгайтириш қаторида масъулиятни ошириб, ҳушёрликни мустаҳкамламоқда. Бу борада айниқса, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимларнинг ёшларга бириктирилгани, яъни устоз-шогирдлик анъаналари қарор топгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, бозор ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, масканлар, вокзал ҳамда тунги кўнгилочар жойларда аввалгиларга нисбатан жиноятлар кескин камайди.

Жамоат тартибини сақлашда ходимлар масъуллигини ошириш билан бирга уларни меҳнатига қараб рағбатлантириб бориш ҳам кутилган натижани бермоқда. Шу кунгача хизматда ибрат кўрсатган бир неча ходим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ИИБ раҳбарияти эътиборига тушиб, муносиб тақдирланишди.

– Яқинда бир воқеа туфайли ППХ батальонига мурожаат қилишга тўғри келди, – дейди Саттепа масканида жойлашган 167-уйда яшовчи тадбиркор К. Фаррух. – Уйимнинг олдида турган шахсий машинам ичидан куппа-кундузи номаълум кишилар барча нарсаларни шилиб кетишди. Вақт зиқ эди. Шу боис яқин атрофда хизмат бурчини ўтаётган сафдорлар А. Зикиров ва Б. Ярмамедовларга аҳволни тушунтирдим. Уларнинг тезкор ҳаракатлари туфайли жиноятчи узоққа қочиб кетолмади, йўқотган мулким эса ўзимга қайтди. Фаровонлигимизни таъминлашда ҳамиша ҳушёр турган ички ишлар ходимларидан миннатдорман, дея қувончини яширолмади у.

Албатта, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва улар манфаатини ҳимоялашда эришилаётган ютуқлар ходимларнинг ўз касбига садоқатини ошириб, бу борадаги ишларда янада самарадорликка эришишга чорламоқда.

**Абдусами ҚОДИРОВ.**
*Самарқанд вилояти.*



**Суратда:** *ППХ батальони ходимлари, катта сержант Умид Рўзиқулов (чапда) ва кичик сержант Элдор Тагиевлар хизмат пайтида.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

**«Мингчинор» мунтазам ЙПХ маскани Қашқадарё вилоятининг асосий дарвозаларидан бири ҳисобланади. Чунки у Китоб туманининг тогли ҳудудидан ўтган, халқаро ва давлат аҳамиятига молик асосий қатнов йўлининг воҳа сарҳадларидан бошланувчи қисмида жойлашган. Кечаю кундуз автомобиллар ҳаракати тинмайдиган бу масканда вилоят ИИБ ЙҲХБ алоҳида йўл-патруль хизмати батальони 2-отряди, ППХ ва ЖТСБ кинология ҳамда карантин хизматлари, божхона бошқармаси ходимлари мунтазам назорат-кузатув ишларини олиб боришмоқда.**

# КУНУ ТУН БЕДОР МАСКАН

Ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар туфайли йил бошидан бери гиёҳвандлик моддалари, мамлакатимизга айланма йўллар орқали олиб кирилаётган истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар аниқланиб, қонунбузарларга тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, ушбу масканда ўтказилган тезкор тадбир жараёнида гиёҳвандлик воситасини пинҳона олиб ўтишга уринган икки нафар шахснинг хатти-ҳаракатига чек қўйилди. «Тошкент – Термиз» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган, сурхондарёлик Ҳ. Юсупова бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашина тўхтатиб текширилганда, йўловчи М. А. нинг чўнтагидан 4,32 грамм героин топилди. Бундан ташқари, мазкур автомашина юкхонасидаги сумкаларнинг бирида бир жуфт эркаклар оёқ кийимининг пошнасига жойлаштирилган 98,47 грамм оғу ҳам зийрак посбонлар назаридан четда қолмади. Бу жиноятни фош этишда айниқса, инспектор-кинолог, сержант Р. Долиевга бириктирилган «Тина» лақабли хизмат итининг сезгирлиги қўл келди.

Бундан ташқари, ходимлар томонидан шу йилнинг ўтган даври давомида ноқонуний равишда вилоятга олиб киришга уринган 50 нафарга яқин шахсдан кўп миқдордаги товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

– Четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг аксариятини озиқ-овқатлар, кундалик эҳтиёж моллари, радиотехника ва кийим-кечаклар ташкил этади, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ алоҳида йўл-патруль хизмати батальони 2-отряди ЙПХ катта инспектори, сержант Ҳ. Абдуллаев. – Мазкур маҳсулотлар истеъмолчиларга қанчалик зарар келтиришини «ишбилармон»лар бирров ўйлаб ҳам кўришмайди.

Масканда хизмат ўтаётган осойишталик посбонларининг бу каби ютуқларни қўлга киритиши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Айниқса, бошқарма ЙҲХБ АЙПХБ ЙПХ 2-отряди 1-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспекторлари, катта сержант М. Тўраев, сержант А. Эшалиев, инспектор-кинолог, сержант Р. Долиев, ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати кинолог-инспектори, катта сержант И. Хидировларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

**Р. СОДИҚОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

## Йўл қоидаси – умр фойдаси

# БОЛАНИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР

**Маълумки, сўнгги пайтларда давлатимиз раҳбари томонидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунга мувофиқ, республика ИИВ ЙҲХББ томонидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига кундалик келиб тушаётган маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида автомобиль йўлларда болалар билан боғлиқ 891 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилгани, бунинг оқибатида 99 нафар бола ҳаётдан бевақт кўз юмгани, 848 нафари эса турли даражада тан жароҳати олганини кўрамиз.**

Бу рақамлар ортида жондан азиз бўлган фарзандларимизнинг ҳаёти ва таъбир жоиз бўлса биз, катталарнинг эътиборсизлигимиз ётибди. Келинг, шу ўринда болалар билан боғлиқ бир нечта йўл-транспорт ҳодисаси билан танишиб чиқайлик.

Шу йил 2 август куни Ғаллаорол туманида яшовчи М. Зафар отасига тегишли «ВАЗ-2106» русумли автомашинани ишонч қоғозисиз бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда, 5-синф ўқувчиси Р. Шербекни уриб юборади. Натижада бола олган оғир тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Ёки 5 август куни қашқадарёлик А. Элёр «Ласетти» русумли автомашинасини бошқараётиб, йўлнинг ўнг томонидан кетаётган велосипедчи, гимназия ўқувчиси Н. Озодбекни уриб юборади. Оғир тан жароҳати олган болакай шифохонада оламдан ўтади.



Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар иккисида ҳам болалар катталар назоратидан четда қолган. Ўз фарзандини ўйлаган, унинг тақдири, юриш-туришига бефарқ бўлмаган ота-она ҳеч қачон қаровсиз қолдирмайди. Эҳтимол улар бирор сабаб билан боласи кўчага чиқиб кетганини билмай қолишгандир. Лекин воқеа содир бўлган жойдаги бошқа катталар-чи? Маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар қаерга қарашди? Ана энди кўз олдингизга келтиринг. Ҳар куни сиз билан биз кўча-кўйда назоратсиз юрган қанчадан-қанча болаларни кўрамиз. Уларнинг қайсидир бири катта йўл бўйида сув ёки шарбат сотаяпти. Бошқаси бозорда мақсадсиз юрибди. Катталар эса бепарво, гўё улар билан фақат ички ишлар ходимлари шуғулланиши керакдек. Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак юқоридаги фалокатлар содир бўлмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди, албатта. Қачонки атрофдагилар эътиборсизлик қилишмаганда.

Жойларда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлишига асосий сабаб уларнинг «Йўл ҳаракати қоидалари»ни яхши билмасликлари ва ҳаракатланиш хавфсизлиги кўникмаларининг йўқлигидир. Назаримда бу борада аввало ота-оналарнинг айби кўп. Негаки, уларнинг аксарияти фарзандларига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий талабларини тушунтиришмайди. Мактабида ўқитар, шуни ҳам гапириб ўтираманми, деган нотўғри фикр юритишади. Бола катта кўчани белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётганини кўриб туришсада уни бу йўлдан қайтаришмайди. Аксинча, айрим катталар болаларнинг кўз ўнгида кўчани тўғри келган жойидан, хоҳлаганча кесиб ўтаверишади. Устига-устак танбеҳ берган ҳайдовчиларни «яхши» гаплар билан сийлашади. Ёнларидаги фарзандлари бундан қандай хулоса чиқараётганини ўйлашмайди. Кўпчилик ота-оналар бундай турмуш тарзига кўникиб, ҳар қандай қоидабузарликни ҳам оддий бир ҳол деб қарашга ўрганиб қолишган.

Бу биринчи сабаб. Иккинчиси, умумтаълим мактабларининг аксариятида болаларга «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича ўтиладиган машғулотлар сифатининг пастлигида. Бу фан бўйича мутахассисларнинг йўқлигида. Дарсларни кўпинча синф раҳбарлари ўтишади. Мактабларга бириктириб қўйилган ходимлар эса учрашувлар ташкил этиш билан чекланишади. Негаки уларнинг барчасида ҳам педагогик қобилият, болага қоидаларни содда ва лўнда қилиб тушунтириб бериш маҳорати йўқ.

Хўш, унда нима қилиш керак, деган ҳақли савол туғилади. Шу ўринда Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар муаммо ечимига бироз бўлса-да ойдинлик киритади. Гап ўқитувчиларнинг малака ошириш институтлари қошида ташкил этилаётган семинар-кенгашлар ҳақида кетаяпти. Икки вазирликнинг ўзаро келишувига асосан ана шу илмгоҳларда «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича дарс берадиган ўқитувчиларга ДИҲХХ ходимлари томонидан машғулотлар ўтилмоқда. Бу эса озгина бўлса-да ижобий самара бераяпти. Шунингдек, ИИВ ЙҲХББ раҳбариятининг таклифига биноан «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўқитишга ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган ўқитувчилар жалб этилмоқда. Демак, қайсидир маънода бу муаммо ўз ечимини топаяпти. Энди уни янада ривожлантириш лозим.

Биз юқоридаги каби мисолларни яна талайгина келтиришимиз мумкин. Лекин гап мисолларда эмас, балки фарзандларимиз ҳаётини асрашда. Бу ишга масъулият билан ёндашиш, оталик бурчимизни унутмасликда. Халқимизда «Юз марта гапирган гапингни юз биринчи марта ҳам гапир. Юзтаси қулоғига кирмаган бўлса, юз биринчиси киради» деган нақл бор. Мана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак фарзандларимиз камолига эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болага ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий, лекин ҳаёт учун зарур бўлган қоидаларини эслатиб турса, кўча-кўйда юрганимизда энг аввало, биз ўзимиз йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилсак, нур устига аъло нур бўларди.

Масаланинг мана шу жиҳатини инобатга олган ҳолда мактаб, маҳалла, ота-оналар ва ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида болалар тарбияси билан тўлақонли шуғулланувчи жамоатчилик кенгашини тузиш мақсадга мувофиқдир.

**Азизхон МУРОДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ инспектори, лейтенант.**

Маърифат дарси

# АҲМАД ЯССАВИЙ ИЖОДИДА – ТАРБИЯ

*Улуғ сиймолардан бири Хожа Аҳмад Яссавийдир. Неча асрлардан бери дунё аҳли, хусусан, туркий халқлар унинг ижодидан баҳра олиб келади.*

**Президентимиз ўз нутқларининг бирида буюк ватандошимиз ҳақида шундай деган эдилар: «Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади».**

Ҳа, Мустақиллик шарофати билан биз улуғ шоирнинг асарларини асл ҳолда ўқиш бахтига муяссар бўлдик. Алишер Навоий ул зот ҳақида шундай битганлар:

«Хожа Аҳмад Яссавий – Туркистон мулкининг шайхул-машойихидур. Мақомати (даражаси) олий ва машҳур, кароматимаволий (ҳайратланарли) ва номаҳсур (чегарасиз) эрмиш... Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир».

Хўш, Туркистон аҳлининг фахри бўлган бу зот асли ким эди? Бу ҳақда қисқача тўхталсак.

Манбаларда битилишича, Аҳмад Яссавий XI асрнинг ўрталарида Сайрам қишлоғида Иброҳим ота ва Қорасоч момо оиласида дунёга келади. У гўдаклигидаёқ онасидан, етти яшарлигида эса отасидан жудо бўлади. Уни бобоси Арслонбобо тарбиялайди. Балоғатга етгач у Ойша исмли қизга уйланади ва Иброҳим исмли ўғил, Гавҳар, Шаҳноз исмли қиз кўради.

Дастлаб Яссида, сўнгра бобосининг тавсияси билан Бухорога бориб ўқийди. У ерда донишманд Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади ва устозининг тўртта етук шогирдларидан бирига айланади. Устози вафотидан кейин бироз Бухорода, кейин эса Ясси шаҳрига қайтиб ўз дунёқарашини халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида туркий қўшиқларга яқин шаклдаги шеърлар ёза бошлайди.

Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавий 63 ёшга, яъни пайғамбар ёшига етгач, ер остига кириб, умрини тоат-ибодат билан ўтказган. 1166-67 йиллар орасида 126 ёшида (айрим манбаларда 133 ёшда дейилади) вафот этган. Улуғ шоирдан «Девони ҳикмат», «Муножотнома», «Ҳикояти меърож», «Фақрнома» каби асарлар мерос бўлиб қолган.

Албатта, бу асарларнинг мавзу ва моҳияти беқиёс, кенг қамровлидир. Унинг тарбия борасида битган ҳикматларига эътиборни қаратмоқчимиз. Шоир бир ҳикматида:

**Менинг ҳикматларим оламда султон**
**Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон**

деб битганича бор. Бу ҳикматларни ўқир экансиз инсон тафаккури, унинг имкониятлари чексизлигига ишонч ҳосил қиласиз. Неча асрлардан бери кўҳна Туркистон шаҳри Аҳмад Яссавий ҳоки ётган муқаддас даргоҳ сифатида эъзозланади. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир инсон аввало қалбидан ҳар қандай ғайри ўй-хаёлларни, бад ниятларни чиқариб ташламоғи, фақат эзгу ниятларни жо этмоғи лозим. Чунки бу замин халқларни, инсонларни, қалбларни ҳамиша бирлаштириб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Президентимиз мустақилликнинг илк йилида Қозоғистон давлати раҳбарлари билан айнан Туркистонда – Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида учрашишни маъқул кўрганди. **«Дастлабки учрашувлардан бирини ана шу муқаддас жой Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида ўтказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ўз имзоимиз билан тасдиқлаганимиз тасодиф эмас,** – деб эслаганди кейинчалик Юртбошимиз ўша тарихий кунларни. – **Ҳанузгача ёдимда, Қадимги Ясси, ҳозирги Туркистон шаҳри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидаги майдонга тўпланишди.**

**Халқнинг ўзи бизнинг шартномамизни, халқларимизнинг қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида қабул қилган қасамёдимизни маъқуллади.**

**Ўшанда менинг назаримда биз имзолаган шартномани фақат халқ эмас, буюк аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳам маъқуллагандек эди**».

Дарҳақиқат, дуолар, ниятлар ижобат бўладиган муқаддас жойлар бўлади. Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи ҳам шундай азиз даргоҳлардан биридир. Ўшанда қилинган ниятлар амалга ошаётганини ўтган йиллар яққол кўрсатиб турибди.

Бугун ҳам бу ердан зиёратчилар қадами узилмайди, одамлар улуғ шоирни тавоф этиш учун талпинади. Бу даргоҳга келган инсонларнинг қалби эзгуликка лиммо-лим бўлади. Яхши ниятлар ила дуолар қилинади. Донолар, оқиллар султони бўлган, яъни «Султон ал орифин» деб аталган сиймо кишиларни бирлаштириб, бир ният атрофида жамул-жам этиб турибди.

**«Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда».**

Юртбошимизнинг бу гаплари нақадар топиб айтилган. Зеро, бу зиёратгоҳ тарбиянинг гултожидир. Аҳмад Яссавий ижодида ҳам инсон тарбиясига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралган. Яъни, ҳақиқий комил инсон инсоний фазилатларни ўзида мужассам этиши зарур деб билинган. Бу олий фазилатлар, албатта, ўқимишли, билимли, одобли, маърифатли, меҳр-шафқатли, фақат эзгулик йўлида хизмат қилиш каби жиҳатларни ўзида намоён қилган кишида бўлади. Шоир ёзади:

**Бу дунёда фақирликни одат қилган,**
**Хорлик тортиб машаққатни роҳат билган,**
**Қул Хожа Аҳмад, яхшиларга хизмат қилган**
**Қиёмат кун андоқ киши султон бўлур.**

Шу ўринда «фақирлик – фахримдир» деган ҳадисни эслаб ўтиш жоиз. Зеро, тарбия кўрган кишилар асло ўзини баланд олмайди. Фақирона ҳаёт кечирсада, умрини халқ ва Ватан бахт-саодати учун сарфлайди.



Халқимизда «тарбияни тарбиясиздан ўрган» деган нақл бор. Яъни, инсон тарбиясиз кишида бор иллатларни ўзидан қанча йўқота борса, шунча тарбияли бўлиб бораверади. Аҳмад Яссавий ижодида ҳам инсонлардаги ана шу нуқсонларни кўрсатиб ўтади ва уларни йўқотишга даъват этади.

Аҳмад Яссавий ижоди нафақат тарбияга муҳтож кишилар учун қўлланма, балки барча ижод аҳли учун ҳам битмас-туганмас баҳс-мунозара, турли мавзулар мажмуасидир. Ҳар бир ижодкор ундан ўзи учун керакли маъноларни топади. Қолаверса, ўз ўқувчисига бу хазинадан бенасиб қолмасликни уқтиради.

**Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз букун**
**Яссавий хок пойидан айлаб олинг туморлар.**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ижодига мансуб ушбу сатрлар замирида тарбиянинг бош мавзуларидан бири – нафсга қул бўлмаслик ғояси илгари сурилмоқда. Шоир бойликка, ўткинчи дунёга берилган кимсаларга Яссавий қўним топган Туркистонга боришни, муқаддас тупроқдан тумор ясаб бўйнига тақиб олишни тавсия этмоқда. Токи у инсон поклансин, ўз қорнини эмас, балки халқ, Ватан қадрини ўйлайдиган кишига айлансин. Бу эса осон иш эмас.

Қаноат ва саховат туйғуларини камол топтириш ҳам тарбиянинг энг муҳим воситаларидан бири саналади. Ҳаётда ҳам кўп кўрамиз – оқил кишилар берганига шукр қилади. Шоир айтганидек:

**Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қилғон,**
**Ҳар ким топса, рози бўлиб, бўйин солғон,**
**Яхшиларга хизмат қилиб дуо олғон,**
**Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.**

Юртбошимиз суҳбатларининг бирида шундай деган эдилар:

**«Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солган муқаддас ғоя ва тариқатларнинг Ватани ҳам Туркистон заминидир».**

Кўҳна тарихга назар солсак, бу заминда не-не зотлар яшаб ўтган. Аммо фақат номлари юқорида зикр этилган зотларгина ўз тариқатларини ярата олганлар. Тариқат дегани йўл демакдир. Яъни, у инсоннинг ўз яратувчиси – Аллоҳ даргоҳига олиб борувчи йўл. Кўп донишмандлар қайси йўлдан борсак тўғри бўлади деб изланганлар. Натижада ўнлаб тариқатлар юзага келган. Ҳар бир киши ўз эътиқоди, дунёқарашидан келиб чиқиб, бу йўллардан бирини танлаши мумкин.

Яссавия, Нақшбандия, Кубравия деб аталган бу тариқатларнинг ўз қонун-қоидалари бор. Нақшбандиянинг «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ғояси машҳур бўлганидек, Яссавия тариқатининг ғоялари ҳам маълум. Унга кўра мурид, яъни шу тариқат аъзоси одоб қоидаларига тўлиқ риоя этиши шарт. Пирнинг, яъни тариқат раҳнамосининг сўзига кирмоғи лозим. Берган ваъдасига ҳамиша собит туриши керак. Тариқатнинг яна бир қатор шартлари борки, улар ҳам бевосита тарбия воситалари бўлиб хизмат қилади. Улардан эса тариқатдаги энг асосий шартлар келиб чиқади. Булар – поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечиришидир. Шоир бир шеърида ёзади:

**Қул Хожа Аҳмад хизматида жон бермаса,**
**Деҳқон эрмас, кетмон чопиб нон емаса.**

Яссавия тариқатида Ватан ва ватанпарварлик тушунчасига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам бу тариқат аъзолари ичидан кўплаб давлат арбоблари, донишманд кишилар етишиб чиққан. Улар ўз мамлакати, аҳолиси ичида шу тариқат қоидаларини, ғояларини тарғиб қилганлар.

Ана шундай буюк сиймолардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. У Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ашаддий мухлиси бўлган. Тарихчиларнинг битишича, Соҳибқирон оғир ҳолатда қолган пайти тушига Аҳмад Яссавий кириб қуйидаги ҳикматни ўқишни буюрган экан:

**Ялдо кечани шамъи шабистон эткан,**
**Бир лаҳзада оламни гулистон эткан.**
**Бир мушкул ишим тушибдир, осон этгил,**
**Эй, барчани мушкулини осон эткан.**

Керак бўлган пайтларда Амир Темур бу мисраларни юз марталаб такрорлар экан ва мушкули осон бўларкан. Нақадар ибратли воқеа.

Юртбошимиз ўз нутқ ва суҳбатларида тез-тез Аҳмад Яссавий номини тилга олиб ўтишларининг боиси ҳам шунда. Чунки Аҳмад Яссавий ўз ижодида жамият ва инсонлардаги салбий жиҳатларни очиб берган. Президентимиз **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асарларида Аҳмад Яссавийнинг тарбия кўрмаган ёмон иллатли кишилар ҳақида айтган сўзларига катта эътибор қаратганлар:

«Уят ва ор-номусини йўқотган одам Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади».

Албатта, бу ўринда Президентимиз улуғ шоирнинг қуйидаги шеърини назарда тутганлар:

**Дардсиз одам одам эмас, шуни англанг,**
**Ишқсиз одам ҳайвон жинси, муни тингланг.**
**Кўнглингизда ишқ бўлмаса манга йиғланг**
**Гирёнларга хос ишқимни ато қилдим.**

Яссавий шеърларини ўқийверсангиз бу мавзуда айтилган жуда кўплаб намуналарга дуч келасиз. Уларда инсондаги иллатлар бирин-кетин очила боради. Ўша даврда давлат тепасида нопок кишилар тургани сабабли бу иллатлар янада яққол кўринади:

**Нокас, хасис, бедиёнат қуллар ҳоким,**
**Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим.**
**Халқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим,**
**Ҳимояти халқни кофир бўлди кўринг.**

Моуманлик, яъни манманлик авж олган замонда халқни ҳимоя қиладиган кишилар қолмайди демоқда шоир. Яна кўплаб иллатлар борки, уларнинг барчаси миллатга ташвиш, зулм олиб келади. Яссавий бу иллатларни енгиш учун инсон энг аввало, ўз яратувчисига ошиқ бўлиши керак дейди.

Дарҳақиқат, ана шундай руҳ билан тарбия кўрган кишилар комилликка эришади. Умрини элу юрт, эзгулик ва камолот учун сарфлайди. Бу эса инсонлардан жамият учун талаб қилинадиган асосий вазифалардан биридир. Динимизнинг асл моҳияти ҳам шунда. Президентимиз бу моҳиятни алоҳида таъкидлаб:

«Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».

Бу панд-насиҳатларга амал қилган кишилар асло кам бўлмайди. Мустақил юртимизнинг келажаги учун хизмат қиладиган, унинг камолотига муносиб ҳисса қўшадиган фидойи инсонлар бўлиб етишаверади.

**Чоршамъ РЎЗИЕВ.**

Маънавият сабоқлари

# ЯХШИЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Яхшилик – эзгуликлар қулфини очадиган калит. Яхшиликка яхшилик қайтариш ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир, – дейилади халқ мақолида. Бироқ ҳаётда яхшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Хўп, яхши одам деб кимларни айта оламиз?! Бу ҳақда Ҳадисда шундай дейилади: «Нуқсонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, иффатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар яхши! Илмига амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир!»

Ўринли савол туғилади: орамизда шундай одамлар борми? Жуда кўп. Уларнинг яхшиликлари туфайли ёмонларнинг ёмонликлари ювилиб туради. Акс ҳолда дунёни зулмат ва ёвузлик қоплаган бўларди.

Абдураҳмон Жомий бошқалар манфаати учун ҳам хизмат қилишни назарда тутган яхшилик ҳақида шундай дейди:

**Шамдек бўл, шамни кўр,**
**куйиб қалбу тан,**
**Ўзгалар базмини қилади равшан.**
**Булут бўл, сув бериб**
**куйганда ёмғир,**
**Гулни ҳам, хасни ҳам**
**суғорар бир-бир.**

Демак, яхшиликнинг чегараси йўқ. Ўзимизга қандай ёруғликни истасак, бошқаларга ҳам уни раво кўрайлик. Шундагина яхшилик ёғдусидан ҳаммамиз баҳраманд бўламиз.

Шубҳасиз, яхшиликни аввало ота-онадан бошламоқ зарур. Чунки ота-она ҳар қандай инсон учун муқаддас кишилар ҳисобланади.

– «Отага итоат қилиш – Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир», – дейилади Ҳадисда. Абулқосим Фирдавсий она ҳақида бундай дейди:

**Она насиҳатин қуйволсин қулоқ,**
**Дунёда ёмонлик истама мутлоқ.**
**Бағрида ўстирмиш жонидан азиз,**
**Жонингдек азиз тут кечаю кундуз.**

Айниқса, кексайиб қолган ота-оналарни рози қилиб, уларнинг дуосини олишдан улуғроқ савоб йўқ. Шундан сўнг кўпроқ қариндош-уруғларга, қўни-қўшниларга, дўсту биродарларга, ҳамкасбларга, танишларга яхшилик қилиш ҳақида ўйлаш керак. Уларнинг орасидаги мискинлар, бева-бечоралар, етим-есирлар, кексалар, ногиронлар, ноҳақлик, сансоларлик ва меҳр-оқибатсизлик гирдобига тушиб қолганлар эса биринчи навбатда яхшиликка ва меҳрга муҳтождирлар. Эзгуликни ният қилган инсоннинг одамийлик хислатлари ана шунда намоён бўлади. Орамизда шундайлар қанчалик кўпайса, ёмонлик илдизи шунчалик қирқилиб бораверади.

Баъзан айримлар шахсий манфаат деб мунофиқлик, хиёнат, фитна, фисқу фасод, ёмонлик йўлига киради. Моддий бойлик, шуҳрат, сохта обрў илинжида диёнатсизлик қиламиз, ҳийлалар ишлатиб бировнинг обрўйига путур етказамиз. Бу – ёмонлик аломати. Яхши одам ҳеч қачон бундай қилмайди. Яхши одам билан бирга бўлиш ёки ишлаш сизга қанчалик ҳузур бағишласа, ёмон одам билан бирга бўлиш ёки ишлаш сизга шунчалик ташвиш келтиради. Бу борада Ҳадисда шундай дейилади: «Яхши одам билан ўтириш гўё мушку анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабидир. Мушку анбари бор кишидан хушбўй ҳид таралади, сен унинг хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин».



Ана энди хушбўй ҳид билан қўланса ҳидни таққослаб кўринг-да, яхши ва ёмон одамлар ҳақида хулоса чиқараверинг. Демак, ёмондан йироқроқ, яхшига яқинроқ юришимиз зарур. Зеро, буюк донишманд Жалолиддин Румий айтганидек:

**Нимани ўзингга кўрарсан раво,**
**Шуни ўзгаларга йўлла доимо.**
**Неким истамасанг, яхшими-ёмон,**
**Бошқага ҳам раво кўрма, эй инсон.**

Биз нафақат ўзимизга, бир-биримизга, халқимизга, балки Ватанга ҳам яхшиликни раво кўришимиз зарур. Чунки Ватан онадек муқаддас. Туғилиб ўсган она тупроқ бу дунёни тарк этганимиздан сўнг ҳам ўз бағрига қабул қилиб олади. Кимдандир ёки нимадандир норози бўлганда, ноҳақлик ёки диёнатсизликка дуч келганда, эгрилик ёки сурбетлик билан тўқнашганда турли даражадаги муттаҳамларни айблаш ва ҳақиқатни айтиш ўрнига Ватанга тош отиш ёмонлик аломатидир. Агар бу тош ўзгаларнинг топшириғи билан хориждан туриб отилса, сўзсиз, хиёнатдир. Биз ўзгаларнинг йўриғига йўрғалайдиган ёки бировларнинг ноғорасига ўйнайдиган халқ эмасмиз. Биз ўз тарихи, тараққиёт босқичига эга, бой маданий, маънавий, илмий-маърифий мероси, мустаҳкам диний эътиқоди бор, ўз ғурури, ор-номуси, шаъни-шавкати бор миллатмиз. Биз авлиёсию анбиёси кароматлар кўрсатган, олимию алломаси олам сирини очган, сарбозию саркардаси от ўйнатиб жаҳон кезган қавммиз. Биз тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб буюк келажагимизни бунёд этаётган халқмиз. Буларнинг ҳаммаси яхшилик деган ҳикматга асослангандир.

Тўғрилик бор жойда ҳамиша яхшилик бўлади. Демак, ҳаётда тўғриликни шиор қилиб олайлик. Шунда адашмаймиз ва ёмонликдан ҳазар қилиб, яхшиликдан ҳузур қилаверамиз. Абдураҳмон Жомий бобомиз бежиз шундай демаган:

**Тўғрини де, тўғрини кўр,**
**тўғри юр,**
**Тўғри эшит, тўғри гапир,**
**тўғри тур.**

Мухтасар қилиб айтганда, тўғри бўлсак, яхши одам номини оламиз. Яхши одам юртни тузар. Ёмон одам эса аксинча... Келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, яхшиликлар пойдевори мустаҳкам бўлаверсин. Яхшиликда ҳикмат кўп.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Сўраган эдингиз

# НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ

***Ҳурматли таҳририят. Никоҳ тузиш тартиби қандай, бу жараёнда расмийлаштириладиган ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар ҳақида маълумот берсангиз.***

**З. ОМОНОВА, уй бекаси.**
**Жиззах вилояти.**



Миллий қадриятларимиз ва қонунларимиз мамлакатимизда оилани улуғлайди, эъзозлайди, уни жамиятнинг бир бўлаги сифатида эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13, 14, 15, 16, 17-моддаларида никоҳ тузиш тартиби кўрсатилган. Давлатимиз Конституциясининг 14-боби «Оила» деб аталиб, унда оила қонунчилигининг асосий тамойиллари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига кўра никоҳ тузилганлиги туман ва шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида (ФҲДЁ) қайд этилади. Кўрсатилган органларда қайд этилмаган, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ қонуний аҳамиятга эга эмаслигига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилган.

Никоҳ тузиш тўғрисидаги ариза ФҲДЁ органлари томонидан белгиланган шаклда ёзилади. Аризани беришда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар – паспорт, ҳарбий гувоҳнома, офицерларнинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, никоҳланувчиларнинг бири илгари никоҳда бўлган бўлса, никоҳдан ажралганлигини тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома ёки суд қарори) ёхуд ўлим тўғрисидаги гувоҳнома тақдим қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 67-бандида «Чет эл фуқаролари билан никоҳ қайд этишда аризага чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва таржимаси, никоҳда турмаслиги ҳақидаги, яъни оилавий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда лигализация қилинган ҳолда илова қилинади» деб кўрсатилган.

Оила кодексининг 14-моддасида никоҳ унга кирувчиларнинг эркин розилиги билан тузилиши мумкинлиги назарда тутилган. Агар шахс ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини тушунмайдиган ҳолда (қаттиқ мастлик, руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилиши ёки алдов оқибатида) никоҳдан ўтган бўлса, бундай никоҳ қонунда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилади.

Юқоридаги кодекснинг 15-моддасига кўра никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш деб белгиланган.

Агар никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасига кўра ёлғон гувоҳлик асосида икки марта никоҳдан ўтганлик учун уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Яқин қариндошлар, ўгай ака-ука, опа-сингил, фарзандликка олинган, олинувчи ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар ўртасида ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

**Ё. ХИДИРОВА,**
**Арнасой тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**
*Жиззах вилояти.*

**Амалий спорт**

# МУНОСИБ ИШТИРОК, ИЛИҚ ТААССУРОТЛАР



**Яқинда Украинанинг Донецк шаҳрида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича VI Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада Ёнғин ўчириш амалий спорти халқаро федерациясига аъзо бўлган дунёнинг 15 та мамлакат федерацияга аъзо бўлмаган икки давлат спортчилари голиблик учун баҳс олиб боришди. Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Терма жамоага раҳбарлик қилган республика ИИВ ЁХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Исроил ЮЛДАШЕВ мусобақа ҳақидаги таассуротларини шундай изоҳлаб берди:**

– Энг аввало, ўзбекистонлик спортчиларнинг бундай нуфузли мусобақада иштирок этиши биринчи марта эмаслигини айтиш лозим. Терма жамоамиз 2002 йилда Москвада, 2004 йилда Минскда ҳамда 2006 йилда Теҳронда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни ва совринларни қўлга киритишганди. I-V Жаҳон биринчиликлари дунёда қай даражада катта воқелик ҳисобланган бўлса, VI Жаҳон чемпионати ҳам жамият учун ниҳоятда керакли спорт турларидан бири эканлигини кўрсатувчи тадбир бўлди.

Айтиш жоизки, VI Жаҳон чемпионатига ташриф буюрган Озарбайжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Германия, Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон, Корея, Латвия, Россия, Словакия, Чехия ва Эстония мамлакатлари қаторида Ўзбекистон спортчилари кўтарган байроқ ҳам ҳилпираб турди. Ана шу дақиқалар ниҳоятда қайноқ ҳаяжон ва қувончларга бой бўлди.

Мусобақа мезбони Донецк нафақат йирик саноат, машинасозлар шаҳри, балки чинакам спорт ишқибозлари шаҳри эканлигини ҳам кўрсата олди. Шаҳарнинг «Олимпия» спорт мажмуасида ўтказилган 100 метрга тўсиқлар оша югуриш мусобақаси бошланган кездаёқ вужудингизни алланечук ҳис қамраб олганлигини ва кўз олдингизда шунчаки жамоалар эмас, балки энг кучли ва абжир, чаққон, чапдаст спортчилар беллашаётганлигига амин бўласиз. Йигитларимиз майдонга тушишганида уларга фақат омад тилаб, қўллаб-қувватлаб турдик.

4x100 м ёнғин ўчириш эстафетасида юртдошимиз Борис Дудников 57.91 натижани қўлга киритди. У ҳақида яна бир хушхабар: бу спортчи республикамиз шарафини ҳимоя қилиб, жанговар ёйилиш турида 39,19 натижа билан ўн биринчи ўринни банд этди. Мусобақа якуни бўйича спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни эгаллади.

VI Жаҳон чемпионатининг ёпилиш маросими ҳам ҳақиқий байрамга айланди. Мусобақанинг ғолиб жамоалари ва спортчиларига совринлар, эсдалик совғалари топширилди. Юртдошимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сервер Кистаубаев жамоамизга берилган Фахрий ёрлиқни қабул қилиб олди.

Чемпионат якунлангач, донецкликлар меҳмондўстлик кўрсатишди. Барча спортчилар шаҳарнинг маданий-маърифий масканларини томоша қилишди.

Ниятимиз ягона: келаси йили бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли халқаро мусобақага пухта тайёргарлик кўриб, бундан-да муносиб ўринларни эгаллаш. Навбатдаги 2011 йилги Ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Жаҳон чемпионати эса Германияда ўтказилади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

**Суратда:** *мусобақадан лавҳа.*

**Ўқ отиш**

# МЕРГАНЛАР БАҲСИ

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида ўқ отиш бўйича спорт мусобақаси ўтказилди. Унда вазирлик марказий аппарати, шаҳар ва туман ИИБлари, прокуратура, божхона ҳамда шимоли-гарбий ҳарбий округидан 30 та жамоа таркибида, 30 ёшгача бўлган 100 дан ортиқ ходимлар ўзаро беллашишди.**

Муросасиз кечган мерганлик беллашувларида умумжамоа ҳисобида биринчиликни Қорақалпоғистон Республикаси божхона хизмати ходимлари қўлга киритишди. Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари эгаллашди. Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоаси ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди.

Шахсий биринчиликда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ШТБИХ инспектори, катта лейтенант Бахтияр Реймовга тенг келадигани топилмади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди ходими, кичик сержант Алланазар Бердимбетов иккинчи ўринни эгаллади. Қораўзак тумани ИИБ ходими, кичик сержант Бердигалий Аметов ва республика божхона бошқармаси инспектори, катта лейтенант Айбек Тасбаевлар учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, энг ёш иштирокчи, моҳир ҳакам, намунали мерган каби номинациялар ғолибларига ҳам эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Хушхабар**

# СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилаётгани боис, спортчиларимиз юксак натижаларни қўлга киритаётир. Улар шарафига жаҳон спорт ареналарида юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, Давлатимиз мадҳияси янграши қалбларга чексиз фахр, ғурур бағишлайди. Пекин шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон яккакураш ўйинларида ҳамюртларимиз муносиб иштирок этиб, иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритишди.**

Мазкур мусобақада дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларидан келган спортчилар (камида қитъа чемпиони бўлган яккакурашчилар) ғолиблик учун беллашдилар.

Муайтай бўйича баҳсларда иқтидорли спортчимиз Фирдавс Холмуродов (63кг.) олтин медаль учун кечган беллашувда рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Самбонинг 68 килограмм вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Дамир Муҳидов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. 90 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан яна бир моҳир самбочимиз Акобир Қурбонов ҳам барча рақибларидан устун келиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Спортчиларимиз иккита олтин ва битта кумуш медаллари билан Бутунжаҳон яккакураш ўйинларида умумжамоа ҳисобида ўн биринчи ўринни эгаллашди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

**Футбол**



# ТОШКЕНТ – ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

**Хабарингиз бор, шу йилнинг 24 октябрдан 7 ноябргача Тошкент шаҳрида Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Осиё футбол конфедерацияси мазкур мусобақанинг якуний тақвимини тасдиқлаган.**

Барча ўйинлар пойтахтимиздаги «Пахтакор» ва «ЖАР» стадионларида бўлиб ўтади. Ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа чорак финал йўлланмасини қўлга киритади. Кучли тўртликка кирган жамоалар эса келаси йили Мексикада бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Осиё чемпионатида учинчи ўрин учун учрашув кўзда тутилмаган.

Ушбу ёш тоифасида Эрон терма жамоаси амалдаги чемпион ҳисобланади. Форслар 2008 йили айнан Тошкентда Жанубий Корея ўсмирлар терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Корейликлар эса бу галги саралаш баҳсларидан ўта олмай қолишди.

| **«А» гуруҳи** | **«С» гуруҳи** |
|---|---|
| Ўзбекистон | Япония |
| Тожикистон | Австралия |
| Иордания | Шарқий Тимор |
| Индонезия | Вьетнам |
| **«В» гуруҳи** | **«Д» гуруҳи** |
| Эрон | БАА |
| Сурия | Ироқ |
| КХДР | Хитой |
| Оман | Қувайт |

**Саломатлик сабоқлари**

# ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

**Фан тили билан айтганда, рационал овқатланиш – ҳайвонот ва ўсимлик дунёси маҳсулотларини ўз ўрнида, меъёрида истеъмол қилиш саломатлик гарови. Бу маҳсулотлардан тайёрланган овқат таркибида организм учун зарур бўлган моддалар оқсил, карбонсув (углеводлар), ёғ, минерал моддалар, витаминлар ва бошқа бир қанча дармондорилар мавжуд. Уларнинг организмга етарли миқдорда тушмаслиги турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.**

Ҳар бир инсон бир маротаба бўлса ҳам очлик ҳиссини ўзида синаб кўрган. Бундай ҳолларда организмда бир қанча ўзгаришлар содир бўлиб, клиник белгиларидан меҳнатга лаёқатсизлик, асабийлик, таъсирчан бўлиб қолиш, иммунитетнинг тушиб кетиши ва бунинг оқибатида ҳар хил касалликларга чалиниш имконияти ошади.

Бундан ташқари, овқат тайёрланаётганда, истеъмол қилинаётганда шахсий ва умумий гигиена қоидаларига амал қилиниши, маҳсулотлар сифатига эътибор берилиши, ёзнинг иссиқ кунларида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари ва истеъмол муддатларига риоя қилиниши овқатдан заҳарланиш ҳолларининг олдини олишда асосий чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Соғлом инсоннинг суткалик озуқа эҳтиёжи учун 1750–2200 мл сув, 400-500 гр оқсил, (ҳайвон оқсиллари 50 гр) ёғлар 80-100 гр (ўсимлик ёғлари 20-25 гр) ҳамда минерал моддалар ва витаминлар керак бўлади. Овқатланиш эҳтиёжи одамнинг ёшига кўпроқ боғлиқ.

Болалар ва ўсмирларнинг организми физиологик ўсиш, ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли катталар, қариялар организмига нисбатан кўпроқ озуқа талаб этади.

Ўрта ёшдаги (40-50 ёш) ва қариялар организми физиологик ўсишдан тўхтайди. Шунинг учун улар организмининг бир маромдаги кундалик фаолиятини таъминлаш учун керак бўлган тез ва осон ҳазм бўлувчи озиқ-овқатлар (сутли, сабзавотли маҳсулотлар) истеъмол қилиши зарур. Уларнинг ҳаддан ташқари кўп ва юқори қувватли овқат истеъмол қилиши – семиришга ва натижада турли хил касалликлар (юракнинг ишемик, қандли диабет ва бошқалар) келиб чиқишига сабаб бўлади.

Овқатланишни тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, маҳсулотни сурункасига истеъмол қилиш ҳам саломатликка салбий таъсир этиб инсон ошқозон-ичак тизимида модда алмашинуви мувозанатининг бузилишига, беҳузур бўлишига олиб келади.

Инсон овқатланиш учун эмас, балки яшаш учун овқатланиши керак. Шундай экан овқатланиш маданияти бу энг муҳим фазилатлардан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар дунё бўйича 90-95 фоиз инсонларда ошқозон-ичак йўллари касалликларга дучор бўлганини кўрсатмоқда. Бу жуда юқори даража, шу боис тиббиёт соҳасида бундай касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар, тавсиялар, санитария-оқартув ишлари амалга оширилмоқда.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосаларига қараганда тиббий хизмат соғлигимизнинг атиги 8-10 фоизини таъминлар экан. Соғлигимизнинг 20 фоизи ирсий омилларга, яна 20 фоизи атроф-муҳитга ва 50 фоизидан кўпроғи турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан. Улар «Агар турмуш тарзимизга боғлиқ бўлган соғлигимизни 100 фоиз деб олсак, шундан 80 фоизи овқатланиш тартибига боғлиқ» дейдилар. Агар истеъмол қилаётган овқатимизда ёғ ва мойлар ортиқча бўлса қон томирлари атеросклерози, яъни томир ичидаги деворларда ёғ ва бириктирилган тўқималар ҳосил бўлиб, деворнинг эластиклиги (чўзилувчанлиги)ни камайтириб, торайтириши оқибатда турли юрак ва қон-томир касалликларини, ун ва қанд маҳсулотларининг ортиқча истеъмол қилиниши эса қандли диабет касаллиги, артритлар, қабзият ва саратон касалликларини, гўшт маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш бўғимлар, буйрак-тош касалликларини, овқат таркибида минерал тузлар, микроэлементлар ва витаминларнинг етишмаслиги организмда модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради.

Демак, юқоридагиларни ҳисобга олиб, овқатланишни тўғри ташкил этган кишилар шубҳасиз соғлом ва узоқ умр кўрадилар. Шунингдек, ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиши экологик вазият, ирсий мойиллик, стресс, алкоголизм, кашандалик каби бир қанча салбий омилларга ҳам боғлиқ.

Суткалик овқатланиш меъёрининг тақсимланиши, яъни нонушта – 30 фоиз, тушлик – 50 фоиз, кечки овқат – 20 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқдир. Овқатланиш иқлимга қараб ҳам белгиланади. Мисол учун, ёз ойларида куннинг иссиқ пайти тушлик вақтига тўғри келади. Бу вақтда организм кўп сув ва хлоридлар йўқотиб, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг толиқишига ва иштаҳа йўқолишига олиб келади.

Олимларнинг таъкидлашича, иссиқ кунларда эрталаб қувватли овқатланиш, одам организимидаги туз-сув балансига тўғри ва фойдали таъсир этар экан. Бундан ташқари нонуштанинг эрталаб соат саккизгача истеъмол қилиниши ва таомномада иссиқ кунлари сут маҳсулотлари, сабзавотлардан помидор, бодринг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тушлик вақти эса иштаҳани очиш учун салатлар истеъмол қилган маъқул.

Шундай қилиб соғлом бўлай десангиз, аввваламбор таомномангизнинг хилма-хиллиги, витаминларга бойлиги, овқатланишнинг тўғри ташкил этилганлигига катта эътибор беришингиз ҳар хил касалликлардан асрашга таянч бўлади. Соғлом турмуш тарзи ҳақида маълумот ва малакага эга бўлмасдан туриб, саломатликни таъминлаш умуман мумкин эмас. Буни асло унутмаслик керак!

**Азимжон МАҲАМАТОВ,**
**ИИВ Санитария-эпидемиология назорат бош маркази шифокори, майор.**

**Спорт тарихидан**

# АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

> ***Шахмат – бу шаклан ўйин, мазмунан – санъат, ўзлаштириб олиш юзасидан фандир.***
>
> **Тигран ПЕТРОСЯН.**

## АЛЁХИНДАН КАСПАРОВГАЧА

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ 1946 йилдан бошлаб жаҳон чемпионатларини ўз шафелигига олди. Бу пайтда жаҳон чемпионати тожи талантли шахмат устаси Александр Алёхинда эди. Бунгача эса уч нафар «ақл гимнастикаси» соҳиби расмий равишда чемпионликка эришганди. Хусусан, 1894 йили Эммануэл Ласкер Вильгельм Стейницдан шахмат тожини тортиб олди ва 1921 йилга қадар уни ҳеч кимга бермади. 1921-1927 йилларда Хосе Рауль Капабланка, 1927-1946 йилларда Александр Алёхин жаҳон чемпионати ғолиблари сифатида тан олинди. Тўғри, 1935 йилда бўлиб ўтган матчда Алёхин Макс Эйвега имкониятни бой берди. Бироқ орадан икки йил ўтгач, реванш-матчда у рақиби устидан яна зафар қучди.

1948 йили Халқаро шахмат федерацияси ўзининг биринчи жаҳон чемпионатини ташкил этди. Унда собиқ иттифоқ вакили Михаил Ботвинник ғалаба қозонди. Шунингдек, ФИДЕ халқаро турнир – жаҳон чемпионатини ўтказиш қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритди. Янги қоидаларга мувофиқ, шахматчилар аввал саралаш босқичи баҳсларида қатнашадиган, сўнгра ғолиблар ҳудудий ва ҳудудлараро мусобақаларда куч синашадиган бўлди. Мазкур беллашувларда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлганлар яна бир мусобақа – номзодлар турнири йўлланмасини қўлга киритиш учун жанг олиб борар, улар орасидан эса чемпионликка даъвогар шахматчи аниқлаб олинарди. Умуман олганда, жаҳон шахмат тожи учун мусобақа турли йилларда турлича ўтказилган. Аммо шуни тан олиш лозимки, ФИДЕнинг ўша пайтдаги ўзига хос илкислоҳотлари шахматнинг янада кенгроқ оммалашувини, жаҳон чемпионати баҳсларини қизиқарли ва шиддатли ўтишини таъминлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, шахматнинг ривожланишига собиқ иттифоқ шахмат мактаби вакиллари ҳам муносиб улуш қўшди. Ўтган асрнинг 40-йилларидан то 90-йилларигача собиқ иттифоқ шахматчилари бутун дунёда кучлилар сифатида эътироф этилганди. Негаки, 1950-1990 йиллар орасида ўтказилган 21 та шахмат олимпиадасининг 18 тасида биринчи, 1 тасида иккинчи ўринни айнан иттифоқ терма жамоаси қўлга киритган. Шунингдек, бу даврда ташкил этилган 18 та жаҳон чемпионатининг 17 тасида ғолиблик собиқ иттифоқ шахмат усталарига насиб этган.

1993 йилда ФИДЕ нуфузига путур етказадиган воқеа содир бўлди. Гап шундаки, халқаро гроссмейстер, ўша пайтдаги жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва даъвогар шахматчи Найжел Шорт ФИДЕни нопрофессионаллик ва коррупцияда айблади. Сўнгра ҳар иккала шахматчи унинг шафелигида ўтадиган турнирда қатнашишдан бош тортди. Воқеа шу билан якун топмади. Таниқли шахмат усталари ташаббуси билан янги ташкилот – Профессионал шахмат ассоциациясига асос солинди. Икки шахматчи иштирокидаги матч айни шу ташкилот шафелигида ўтди. ФИДЕ эса, бунга жавобан, Гарри Каспаровни чемпионлик унвонидан маҳрум қилди ҳамда рейтинг бўйича Каспаров ва Шортдан кейинги ўринларда турувчи шахматчилар – Анатолий Карпов ва Ян Тимман ўртасида жаҳон чемпионатини ташкил этди. Шунга қарамай, Гарри Каспаров бутун жаҳон спорт оммаси ўртасида ўзини ҳақиқий жаҳон чемпиони деб ҳисоблашини эълон қилди.

Орадан уч йил ўтгач, яъни 1996 йилга келиб жаҳон шахматидаги ихтилофлар барҳам топди. Чунки айни шу йили Профессионал шахмат ассоциацияси ўз ҳомийларини йўқотиши туфайли фаолиятини тўхтатди. ФИДЕ яна жаҳон шахмат ҳаракатида ягона халқаро ташкилот сифатида фаолият юрита бошлади.



1999-2000 йиллардаги жаҳон чемпионатларида мусобақа формаси (шакли)га кескин ўзгартиришлар киритилди. Бошқача айтганда, нокаут-турнир ўтказиладиган, унда сўнгги жаҳон чемпионига ҳеч қандай имтиёз берилмасдан, у ҳам даъвогарлар билан бирга ғолиблик учун кураш олиб борадиган бўлди. Бунинг натижасида ҳар йили янги чемпионлар кашф этилди. Умуман олганда, 1990 йилларда ФИДЕ нафақат жаҳон чемпионатларини, балки бошқа кўплаб халқаро турнирларни ҳам ташкил қилди. Бу, ўз навбатида, мусобақаларнинг қизиқарлилиги ва оммавийлигини таъминлаш билан бирга, ўнлаб иқтисодий бақувват ҳомийларни ўзига жалб этди.

## КОМПЬЮТЕР КУЧЛИМИ, ИНСОН?

Шахмат тарихи саҳифаларига XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги зарҳал ҳарфлар билан битилади. Нега дейсизми? Чунки бу пайтга келиб инсон заковатининг яна бир маҳсули – компьютер шахмати юксак чўққига чиқди. Махсус компьютер дастурлари тажрибали гроссмейстерлар билан наинки тенгма-тенг беллашди, ҳатто уларни мағлуб этишга муваффақ бўлди. Масалан, 1996 йили бўлиб ўтган ана шундай матчлардан бирида Гарри Каспаров зафар қучди ва аксинча, кейинги йили ўтказилган ўйинда ютқазиб қўйди.

Алгоритмларнинг кучайишига мос тарзда компьютер хотирасининг кенгайиши асримиз бошларида кўплаб оммабоп шахмат дастурларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Эътиборлиси, бу дастурлар олдиндан белгиланган муайян вақт давомида гроссмейстерлар даражасида ўйнай олиш қобилиятига эга. Қолаверса, уларда хатога йўл қўйиш эҳтимоли бирмунча кам. Ҳатто ҳозирги пайтда компьютер шахматчига олдиндан самарали йўл-йўриқ кўрсатиши ҳам мумкин. Шу боис, бугунги кунда ФИДЕ халқаро турнирлар олдидан ўйинларнинг ҳалол ўтишини таъминлаш, мусобақаларни компьютер «маслаҳатлари»дан ҳимоя қилиш учун турли тезкор чораларни кўрмоқда.

Бугун кўпчиликни шундай савол ўйлантирмоқда: шахматда ақл билан дона сурадиган инсон кучлими ёки ҳиссиз, туйғусиз компьютер? Жавоблар турлича: кимдир яқин келажакда компьютер одамзотдан устун келишини башорат қилса, яна кимдир аксинча фикр юритади. Нима бўлгандаям, шахмат аталмиш ақл-заковат ўйини бетакрорлиги, жозибадорлиги билан ўз соҳиби – инсониятни маҳлиё этиб келаверади. Бунга асло шак-шубҳа йўқ.

**Камол АЛЛАЁРОВ тайёрлади.**

Шукур Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги олдидан

# ЮКСАК МАҲОРАТ СОҲИБИ



**Буюк инсонлар ҳақида ёзиш осон эмас. Айниқса, улар билан ҳаётда юзма-юз келмаган киши учун бу янада оғир. Машҳур шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода ўзининг буюк замондоши – эл севган санъаткор Шукур Бурҳоновни «Саҳна қаҳрамони» дея таърифлаган эди. Актёрнинг замондошлари, танқидчилар, киношунослар унинг ғайритабиий иқтидори, ижро маҳорати ва эҳтиросли монологларини, ниҳоят, феъл-атворидаги бағрикенгликни ҳали-ҳануз ҳайрат ва ҳурмат билан ёдга олишади.**



Санъаткорнинг юксак маҳорат билан ижро этилган Ғафур («Бой ила хизматчи»), Одилбек («Холисхон»), Олеко Дундич («Олеко Дундич»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), Собир Раҳимов («Генерал Раҳимов»), Максимов («Денгизчилар учун») каби роллари ёки фожиавий, чуқур фалсафий мазмун-моҳият билан йўғрилган Гамлет («Гамлет»), Ромео («Ромео ва Жульетта»), Брут («Юлий Цезарь»), Войницкий («Ваня тоға»), Мирзо Улуғбек («Мирзо Улуғбек»), шоҳ Эдип («Шоҳ Эдип»), Сулаймон ота («Қиёмат қарз») сингари образлар актёрни дунёга танитди.

Шукур Бурҳонов ўзининг илк ролларини ўн беш ёшидаёқ қишлоқ хўжалиги техникуми қошида Мурод Шамси бошчилигида ташкил этилган театр тўгарагида ижро эта бошлаган. Илк тажриба мактаби ёш Шукурнинг келгуси ҳаётини театр санъати билан боғлашига барча йўлларни очди, дейилса муболаға эмас.

Ҳамза номли театрда Шукур Бурҳоновнинг дастлабки устозлари ўзбек санъатининг забардаст вакиллари Маннон Уйғур ва Етим Бобожоновлар бўлди. Актёрнинг ўзи ижодий мактаб сифатида уларнинг бой тажрибасидан фойдаланганини, маҳоратини ошириб боришда бебаҳо маслаҳатларига таянганини такрор-такрор эслаган.

Ўтган асрнинг 30-йиллари ўзбек театрининг энг гуркираган даври бўлди. Айнан шу йилларда Шукур Бурҳоновнинг актёрлик қиёфаси, асл мактаби шаклланди, истеъдоди эса тўла камолотга етишди. Эндигина йигирмадан ошган ёш ижодкорнинг ижро маҳорати, ўзига хос бетакрор услуби, санъатга ёндашуви ўша пайтлардаёқ танқидчилар диққатини тортди. Шуниси эътиборлики, унинг маҳорати санъат аҳлининг кўз олдида кун сайин ўсиб борарди. Жумладан, Комил Яшиннинг «Ғурур ва муҳаббат» спектаклида Ғулом образини жонлантирган актёр дастлабки пайтларда шунчаки унинг маиший кечинмаларини чизиб берган бўлса, кейинчалик қаҳрамоннинг психологик дунёсига чуқур кириб борди, уни хира тасвирдан дили ҳиссиётларга, ақли қарама-қаршиликларга тўла чинакам инсонга айлантира билди.



*– Боғ аро қўйсам қадам....*

Спектаклларда Шукур Бурҳонов талқин этган роллар том маънода миллий театр ижрочилик мактабининг маҳорат чўққиси дейиш мумкин. Зотан, уларда санъаткорнинг руҳий дунёсига хос эҳтирос, жўшқинлик, романтик ҳиссиёт бор бўйича ўз ифодасини топган эди.

Санъаткор кинодаги илк ролини 1940 йилда ижро этган. Ўшанда у Комил Яшин сценарийси бўйича суратга олинган «Асал» фильмида Рустам образини яратган эди. Айтишларича, Ш. Бурҳонов дастлабки ролларидан қониқмаган экан. Албатта, бу унинг ўз-ўзига нисбатан жуда катта ижодий талабчанлик билан муносабатда бўлганлигини билдиради.

Кейинчалик актёр кинематографияда ҳам ўз ўрнини топди ва қисқа муддатда бир қатор фильмларда ёрқин қаҳрамонларни жонлантирди. Шоҳ Калин («Илья Муромец»), Қаландаров («Синчалак»), Мирзо Улуғбек («Улуғбек юлдузи»), Матниёз («Узоқ-яқин йиллар»), Ҳусан ота («Бардош») сингари роллар шулар жумласидандир. Шунингдек, буюк санъаткор бир қатор салбий образларни ҳам яратган. Ҳар қандай кино ва театр мухлисига аёнки, бу бир қадар оғир ва масъулиятли вазифа. Негаки, одатда бундай турдаги қаҳрамонлар маълум қолипга солинган бўлади, уларнинг ҳиссиётлари, ички кечинмалари, психологияси иккинчи ўринда туради. Шундай бўлса-да, буюк ўзбек актёри тўла муваффақият билан бу ишнинг ҳам уддасидан чиқди. Бу режиссёр Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зуҳра» фильмидаги Қоработир тимсолида яққол намоён бўлди.

Илгари жонлантирган салбий образларида (хусусан, «Муқанна» спектаклидаги Баттол тимсолида) ошкора шафқатсизлик, чексиз ғазаб устунлик қилган бўлса, санъаткорнинг эндиги қаҳрамони совуқ, ўзини тутиб олган сарой амалдори эди ва фақатгина айёр кўзларигина унинг ичида алангаланаётган ёвузликни фош этарди. Айнан Шукур Бурҳоновнинг маҳорати туфайли Қоработир ўзига яраша характерга эга бўлган мураккаб шахс сифатида гавдаланди.

Актёрнинг кино санъати билан яқиндан танишлиги унинг саҳнада жонлантирган образларига ўз ижобий таъсирини ўтказмай қолмади. Бу ҳақда Шукур Бурҳонов ижодини чуқур тадқиқ этган мунаққид Т. Сильмильштейн шундай ёзади: «Актёрнинг кинодаги улкан тажрибаси ўз сўзини айтмай қолмади. Саҳнада у гўёки кўзлари томошабинга йирик планда яқинлаштирилгандек ўйнайди. Уларда қалбнинг қарама-қаршиликларга тўла дунёси жо бўлган».

Шукур Бурҳонов қандай ролни ижро этмасин, инсоннинг ботиний дунёсидаги руҳий эврилиш, орзу-армон, ташвиш ва қувонч ёлқинларини ҳаққоний тарзда кўрсатишнинг уддасидан чиқа олганлардан. Шу боис ҳам у яратган ижро мактаби ҳамон авлодларга сабоқ беришда бардавом. Бу эса камдан-кам ижодкорларгагина насиб этадиган улкан бахтдир.

**А. ҚОДИРОВ.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**ҚЎЙ.**
Мазкур ҳафта ички дунёингизни ўрганиб, айрим ўзгаришлар ясаш учун қулай. Бу борада ноанъанавий бўлган усулларни, масалан гипноз, руҳшунос маслаҳати кабилардан фойдаланишингиз мумкин. Ҳаёт йўлингиз, мақсадларингизни изга солсангиз, саломатлигингизга кўпроқ эътибор қаратсангиз муваффақиятларга эришасиз.

**СИГИР.**
Мазкур бурж остидагилар ҳафта давомида янгидан-янги ва қизиқарли лойиҳаларга дуч келиши мумкин. Фавқулодда вазиятлардан чўчиманг, зотан улар фойда келтирса келтирадики, зарар етказмайди. Сизнинг қарашларингиз ва фикрларингизни қўллаб-қувватлайдиган янги танишлар орттирасиз. Шеригингиз билан орзу ва ниятларингизни бемалол муҳокама қилишингиз мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР.**
Ҳаётингизда вужудга келадиган вазият мақсад ва истакларингизнинг амалга ошиши учун хизмат қилади. Фақат фурсатни бой бермасангиз бўлгани. Ҳафтанинг иккинчи ярмида уй юмушлари учун вақт ажратинг. Фаоллигингиз ошиб, иш жараёнида ҳам талай топшириқларни бажариб, яхши натижаларга эришасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**
Ҳафта давомида ўз дунёқарашларингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун бошқа халқлар маданияти ёки санъати билан танишинг, саёҳатга чиқинг. Кўрган-билганларингиздан тўғри хулоса чиқарсангиз кўзлаган мақсадларингизга осон эришасиз. Ҳафта охирида ишқий муносабатларда ўзгариш кутилмоқда. Оддий қизиқувчанлик жиддий тус олиши эҳтимолдан холи эмас.

**АРСЛОН.**
Ушбу ҳафта ҳаётингизда маълум ўзгаришлар ясайди. Аммо бу дегани таваккалчилик, ўйламай қадам босиш дегани эмас. Аввал режалаштириб, кейинга қолдирган ишларингизни амалга оширишнинг айни вақти. Ҳафтанинг иккинчи ярми уй юмушлари, оилавий муносабатларингизни яхшилаш учун қулай.

**БОШОҚ.**
Шахсий муносабатларни, иш бўйича алоқаларни рисоладагидек йўлга қўйиш имкони бўлади. Ён-атрофингизда бўлаётган воқеаларга тезкорлик билан муносабат билдиринг. Янги танишлар билан суҳбатлашаётганда эркин ва самимий бўлиш уларнинг сизга нисбатан қизиқишини орттиради.

**ТАРОЗИ.**
Иш жараёнида турли кутилмаган вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Ишхонангизни ўзгартириш фикридан чўчиманг. Мабодо, бу ҳақда таклиф этишса, обдон ўрганиб, сўнг бир қарорга келганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молиявий масалаларни ҳал этганингиз маъқул. Тўғри қарор қабул қилишда ички туйғуларингизга қулоқ тутинг.

**ЧАЁН.**
Ҳафта шахсий муносабатларингизда жиддий ўзгаришлар юз бериши кутилмаган янгиликлардан хабардор бўлишидан дарак бермоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида мустақил қарорлар қабул қилишингиз лозим. Дўстлар ва яқинларингизнинг фикрларига ҳам қулоқ тутинг. Бироқ хулоса чиқаришда ички туйғуларингизга таянганингиз маъқулроқ.

**ЁЙ.**
Ҳафта давомида уйингизда ёки яқинларингиз билан муносабатларда айрим нарсаларни ўзгартириш истаги туғилади. Лекин бунга шошқалоқлик билан ёндашиш ярамайди. Ёлғиз қолиб мақсад ва режаларингизни бир бошдан кўриб, «ғалвирдан» ўтказиб олсангиз, марра сизники. Бўлиб ўтган ишни ортга қайтариш мумкин эмаслигини унутманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**
Ижодий ва ноёб хислатли одамлар билан учрашувлар кутилмоқда. Улар сизни қўллаб-қувватлаши, ишларингиз бароридан келишида туртки бўлиши мумкин. Жамоада ўзингизни кўрсатишингиз, иқтидорингизни намоён этишингиз мумкин. Қизиқишларингиз бўйича бирор клубга аъзо бўлиш фойдадан холи бўлмайди.

**ҚОВҒА.**
Сиз учун ёқимли бўлган вазиятлар вужудга келади. Молиявий ишларда омад кулиб боқади. Вазиятни тўғри баҳолаб, ҳаракат қилсангиз келажакда муваффақиятларга эришишингиз мумкин. Олдингизга қўйган мақсадларингизни амалга ошириш учун дадил қадамларни ташланг. Бошқалардан ёрдам кутмай, ўз имкониятларингизни ишга солинг.

**БАЛИҚ.**
Ҳафта давомида кўплаб кутилмаган вазиятларга дуч келасиз. Ижобий фазилатларингизни намоён этиш учун қулай фурсат келади. Юзага келган муаммоларни ўз кучингиз билан ҳал қилишга интилинг. Янги билимлар олиш, фаоллигингизни ошириш, қизиқишларингиз доирасини кенгайтиришнинг айни вақти. Саёҳатга чиқиб янги дўстлар орттиришингиз мумкин.

# ФАРОВОНЛИК ФАВВОРАСИ

**Бугун ҳам одатдагидек ажойиб иш кунларидан бири поёнига етди. Тунги соат 22 дан ўтган бўлса-да, навбатчиликни тугатган ҳамкасблар чеҳрасида чарчоқлик аломати унчалик сезилмасди. Идорадан чиқарканмиз – тунги пойтахт гўзаллигини томоша қилмаймизми, дея таклиф қилиб қолди улардан бири. Барчамиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри сари йўл олдик.**

Дўстларнинг айнан ана шу жойни танлаганлари бежиз эмасди. Чунки истиқлолнинг 19 йиллиги байрами арафасида бошқа жойларда бўлгани сингари бу ерда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганидан хабардор эдик-да!

Юз бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал деганларидек, майдонга тушибоқ ҳайратимизни бир-биримиздан яширолмадик: эски, салкам аср билан тиллашадиган, бир кун ишласа, ҳафталаб сукут уммонига чўккан ва эътибордан чиқаёзган фавворага замонавий жило берилгани ҳар қандай кишини маҳлиё қилмай қолмасди.

Фаровонлик фаввораси майдондаги ободонлаштириш ишларига, йўлакларнинг бир маромда қайта ишлов берилганига қараб кўз тўймайди, бу жойни шу даражага келтирган қўли гул бунёдкорларга, уста ва муҳандисларга тасаннолар айтасан, киши.

Фавворани қайта реконструкция қилган муҳандислар ва унга бош бўлганларнинг дидига қойил қолмасдан илож йўқ: аввало, уни таъмирлашда атроф безаклари замонавийлаштирилгани қаторида миллийликка алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, дунёдаги ривожланган фавворачилик санъати ҳам унда мужассамлашган. Масалан, сувлар қанчалик юқорига кўтарилмасин, ён-атрофдагиларга зиён етказмайди ва мусиқа оҳанги остида турли ранглардаги чироқларнинг ўчиб-ёниши ҳар қандай чарчоқ босган дилларга ҳузур-ҳаловат бахшийда айлайди.

Соат миллари салкам 24 ни кўрсатиб турибди. Фаровонлик фаввораси майдони шўх-шодон ёшлар, севишганлар ва ҳатто, қариялар билан гавжум. Ўриндиқларда ўтириб унинг шиддат билан отилишини, бири-биридан гўзал чироқларнинг ёниб-ўчишини мириқиб томоша қилишаяпти, сураткашларнинг эса қўли-қўлига тегмайди.

Ўзимиз сингари бундай гўзаллик ошуфтасини ҳис қилиб, фавворага маҳлиё бўлиб турганлардан бирини суҳбатга чорлаймиз.

– Ҳамза туманидаги Толариқ маҳалласида яшайман, – дейди 70 ёшли онахон Мукамбар Садриева. – Ўғлим, келин ва набираларимнинг қистови билан бу ерга келгандик. Театр олди майдони жуда ўзгариб кетибди: мазкур майдондан ўттиз йилга яқин ўтиб-қайтганман. Чунки шу атрофдаги ташкилотлардан бирида ишлардим. Илгарилари анча кўримсиз эди. Кўриб, кўз қувнайди, ярим тун бўлса-да, уйга қайтгимиз йўқ, чарчоқлар чиқиб кетди. Одамларга шундай шароитларни яратиб бераётганлар ҳеч қачон завол кўришмасин.

Истиқлол йилларида инсон манфаатига хизмат қилувчи яна бир соҳа – фавворачилик санъати ҳам йили сайин сайқал топиб, ривожланиб бормоқда. Ўзимизнинг минтақамизга мос ва хос фаввораларимиз нафақат катта шаҳарларимизни, балки туман ҳамда қишлоқларимизни ҳам гўзалликка бойитиб, элимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, уларни ўз кишиларимиз, муҳандисларимиз бунёд этишмоқда. Ахир, ўзингда бўлганига нима етсин.

**Ўз мухбиримиз.**







ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV
Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi – Sadriddin SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-86. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63659 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.